

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Ўзбекистон ипотекани қайта
молиялаштириш компанияси”
акциядорлик жамияти
Кузатув кенгашининг
2026 йил 01 июндаги қарори билан

“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”

Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар
миллий агентлиги

Жамият Кузатув кенгаши раиси

Каршибаев Жасур Ҳазраткулович



(имзо)

Директорнинг биринчи ўринбосари

В.Ю.Пак



(имзо)

“25” июнь 2026-й. Р0912-9-сон

ОБЛИГАЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР
“ЎЗБЕКИСТОН ИПОТЕКАНИ ҚАЙТА МОЛИЯЛАШТИРИШ КОМПАНИЯСИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Идентификация рақами берилди:

R	U	3	0	9	P	0	9	1	2	T	O
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Эгасининг номи ёзилган, хужжатсиз (накдсиз) шаклдаги, фоизли, номинал қиймати 1 000 000 (бир миллион) сўм бўлган умумий ҳажми 700 000 000 000 (етти юз миллиард) сўм миқдордаги 700 000 (етти юз минг) дона корпоратив облигациялар.


Ушбу чиқарилишдаги корпоратив облигациялар ёпиқ обуна усули орқали жойлаштирилади.

Корпоратив облигацияларнинг ушбу чиқарилиши IX (тўққизинчи) чиқарилишдир.

Тасдиқланган “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 2026 йил 01 июндаги 7 - сон Баённома , “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 2026 йил 01 июндаги 7 - сон Баённома асосида.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шох кўчаси, Ҳалқаро Хамкорлик Маркази 107Б-уй, 14А / +99878 148 30 00 / info@uzmrc.uz / www.uzmrc.uz

Бош ижрочи директор



Фарманов Муроджон Жабборович

Бош бухгалтер

Шоймарданов Бахтиёр Бахриддинович

2026 йил ____ июн

Эмитент	“Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” акциядорлик жамияти, қисқартирилган номи “ЎЗИҚМК” АЖ
1. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг кўриниши ва тури (оддий, ютуқли, фоизли, фоизсиз (мақсадли) ва хоказо):	Эгасининг номи ёзилган фоизли облигациялар
2. Ушбу облигациялар чиқарилишининг шакли:	Хужжатсиз
3. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қиймати (сўм):	1 000 000 (бир миллион) сўм
4. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг сони (дона):	700 000 (етти юз минг) дона
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм):	700 000 000 000 (етти юз миллиард) сўм
6. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар эгаларининг ҳуқуқлари: <i>(Кўрсатилади: облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатда эмитентдан облигацияларнинг номинал қийматига тенг бўлган сумма миқдорини ёки бошқа мол-мулк эквивалентини олиш ҳуқуқи, шунингдек, облигацияларнинг номинал қийматининг белгиланган фоизини ёки облигациялар чиқариш тўғрисидаги қарор билан белгиланган бошқа мулк ҳуқуқларни олиш ҳуқуқи; амалга ошириш шартлари, тартиби ва муддатлари кўрсатилган ҳолда, шу жумладан, эмитентнинг ўз капитали камайганида ва унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганида, эмитент томонидан облигацияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи. Бунда, эмитентнинг ўз капиталининг камайиши тўғрисидаги маълумотни ошкор қилиш тартиби кўрсатилиши керак; бошқа ҳуқуқлар).</i>	Мазкур чиқарилишдаги ҳар бир облигация ўз эгаларига бир хил ҳуқуқларни беради. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар эгалари қуйидаги ҳуқуқларга эга: – Эмитентнинг ушбу қарор шартларига асосан белгиланган муомала даври якунида ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қийматида пул миқдорини олиш; – Эмитентдан ушбу қарор шартларига асосан белгиланган оралиқ даврлар якунида ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қийматига нисбатан ҳисобланган фоизли даромадларни олиш; – облигациялар эгалари эмитентнинг ўз капитали камайган тақдирда облигацияларни эмитент томонидан муддатидан олдин қайтариб сотиб олинишини талаб қилиши; бунда қонунчилик қоидаларига мувофиқ корпоратив облигациялар чиқарилишида эмитентнинг ўз капитали миқдори доирасида белгиланган талаб ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди; - Эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганида муддатидан олдин эмитент томонидан облигацияларни ушбу – чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қийматида қайтариб сотиб олишни ва ҳисобланган фоизли даромадларни олишни талаб қилиш. Эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганида Корпоратив ахборотлар ягона порталида (openinfo.uz) ҳамда эмитентнинг расмий веб-сайтида

	(www.uzmrgc.uz) қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда ошкор этилади. Эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгаргани ҳақидаги маълумот ошкор этилмаган тақдирда эмитентдан бундай маълумотни тақдим этишни талаб қилиш; – Эмитентнинг облигациялари чиқарилиши амалга ошмаган ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра ҳақиқий эмас деб тан олинган тақдирда, эмитент томонидан облигацияларни ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қийматида қайтариб сотиб олиниши ва ушбу қарор шартларида белгиланган тартибда ҳисобланган фоизни талаб қилиш. Эмитентнинг облигациялари чиқарилиши амалга ошмаган ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра ҳақиқий эмас деб тан олинган тақдирда Корпоратив ахборотлар ягона порталида (openinfo.uz) ҳамда эмитентнинг расмий веб сайтида қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда ошкор этилади; – Иккиламчи фонд бозорида мазкур корпоратив облигацияга бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан нархда ўзига тегишли корпоратив облигацияларни облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор шартларига асосан исталган вақтда учинчи шахсга сотиш ва қайта сотиб олиш, ёки қонун ҳужжатларда белгиланган бошқа йўллар билан бошқа шахсга бериш; – Инвестиция воситачисидан ва (ёки) Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан депо ҳисобварағидан ўзига тегишли кўчирма олиш; – Қимматли қоғозлар бозорида ўз таваккалчиликларини қонунда белгиланган тартибда суғурта қилиш; - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлар.
7. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни олинишига нисбатан жамият уставдаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:	Эмитент Уставида облигациялар эмиссиясига нисбатан чеклашлар мавжуд эмас. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчиси орқали савдо қоидаларига асосан “Freedom Finance” МЧЖ ХК, CDS Consulting FZCO ва Тижорат банклари (Ўзбекистон саноат қурилиш банки” АТБ, “Хамкорбанк” АТБ, “Капиталбанк” АТБ, “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ, “Микрокредитбанк” АТБ, ва АТ “Халқ банки”)га

	Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади
8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм):	1 396 226 571 000,00 (Бир триллион уч юз тўқсон олти миллиард икки юз йигирма олти миллион беш юз етмиш бир минг) сўм
9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):	Илгари 1 396 226 571 (Бир миллиард уч юз тўқсон олти миллион икки юз йигирма олти минг беш юз етмиш бир) дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги оддий акциялар жойлаштирилган.
10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):	1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 2023 йил 21 сентябрда P0912-1-сон билан давлат рўйхатига олинган (RU301P0912T7) “ЎзИҚМК” АЖнинг Корпоратив облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига асосан муомалага чиқарилган (корпоратив) облигациялар: - чиқарилишдаги облигацияларнинг кўриниши ва тури: эгасининг номи ёзилган, оддий, фоизли корпоратив облигациялар; - облигациялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз; - чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қиймати (сўм): 1 000 000 (Бир миллион) сўм; - чиқарилишдаги облигацияларнинг сони (дона): 140 000 (Бир юз қирқ минг) дона; - чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 140 000 000 000 (бир юз қирқ миллиард) сўм. - Жойлаштирилган облигациялар сони: 140 000 (Бир юз қирқ минг) дона; - Жойлаштириш натижасида жалб этилган маблағ: 140 000 000 000 (бир юз қирқ миллиард) сўм. 2. Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2024 йил 26 июнда P0912-2-сон билан давлат рўйхатига олинган (RU302P0912T5) “ЎзИҚМК” АЖнинг Облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига асосан муомалага чиқарилган (корпоратив) облигациялар: - чиқарилишдаги облигацияларнинг кўриниши ва тури: эгасининг номи ёзилган, оддий, фоизли корпоратив облигациялар; - облигациялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз; - чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қиймати (сўм): 1 000 000 (Бир миллион) сўм; - чиқарилишдаги облигацияларнинг сони (дона): 150 000 (Бир юз эллик минг) дона;

	- чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 150 000 000 000 (бир юз эллик миллиард) сўм. - Жойлаштирилган облигациялар сони: 150 000 (Бир юз эллик минг) дона; - Жойлаштириш натижасида жалб этилган маблағ: 150 000 000 000 (бир юз эллик миллиард) сўм. 3. Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2024 йил 11 сентябрда P0912-3 сон билан давлат рўйхатига олинган (RU303P0912T3) “ЎЗИҚМК” АЖнинг Облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига асосан муомалага чиқарилган яшил корпоратив облигациялар: - чиқарилишдаги облигацияларнинг кўриниши ва тури: эгасининг номи ёзилган, оддий, фоизли яшил корпоратив облигациялар; - облигациялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз; - чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қиймати (сўм): 1 000 000 (Бир миллион) сўм; - чиқарилишдаги облигацияларнинг сони (дона): 50 000 (эллик минг) дона; - чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 50 000 000 000 (эллик миллиард) сўм. - Жойлаштирилган облигациялар сони: 50 000 (эллик минг) дона; -Жойлаштириш натижасида жалб этилган маблағ: 50 000 000 000 (эллик миллиард) сўм 4. Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2024 йил 08 ноябрда P0912-4-сон билан давлат рўйхатига олинган (RU304P0912T1) “ЎЗИҚМК” АЖнинг Облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига асосан муомалага чиқарилган (корпоратив) облигациялар: - чиқарилишдаги облигацияларнинг кўриниши ва тури: эгасининг номи ёзилган, оддий, фоизли корпоратив облигациялар; - облигациялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз; - чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қиймати (сўм): 1 000 000 (Бир миллион) сўм; - чиқарилишдаги облигацияларнинг сони (дона): 250 000 (Икки юз эллик минг) дона; - чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 250 000 000 000 (Икки юз эллик миллиард) сўм. - Жойлаштирилган облигациялар сони: 250 000 (Икки юз эллик минг) дона;
--	--

	- Жойлаштириш натижасида жалб этилган маблағ: 250 000 000 000 (Икки юз эллик миллиард) сўм. 5. Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2025 йил 14 мартда P0912-5-сон билан давлат рўйхатига олинган (RU305P0912T8) “ЎЗИҚМК” АЖнинг Облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига асосан муомалага чиқарилган (корпоратив) облигациялар: - чиқарилишдаги облигацияларнинг кўриниши ва тури: эгасининг номи ёзилган, оддий, фоизли корпоратив облигациялар; - облигациялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз; - чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қиймати (сўм): 1 000 000 (Бир миллион) сўм; - чиқарилишдаги облигацияларнинг сони (дона): 200 000 (Икки юз минг) дона; - чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 200 000 000 000 (Икки юз миллиард) сўм. - Жойлаштирилган облигациялар сони: 200 000 (Икки юз минг) дона; - Жойлаштириш натижасида жалб этилган маблағ: 200 000 000 000 (Икки юз миллиард) сўм. 6. Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2025 йил 20 ноябрда P0912-6-сон билан давлат рўйхатига олинган (RU306P0912T6) “ЎЗИҚМК” АЖнинг Облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига асосан муомалага чиқарилган (корпоратив) облигациялар: - чиқарилишдаги облигацияларнинг кўриниши ва тури: эгасининг номи ёзилган, оддий, фоизли корпоратив облигациялар; - облигациялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз; - чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қиймати (сўм): 1 000 000 (Бир миллион) сўм; - чиқарилишдаги облигацияларнинг сони (дона): 200 000 (Икки юз минг) дона; - чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 200 000 000 000 (Икки юз миллиард) сўм. - Жойлаштирилган облигациялар сони: 200 000 (Икки юз минг) дона; - Жойлаштириш натижасида жалб этилган маблағ: 200 000 000 000 (Икки юз миллиард) сўм. 7. Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2025 йил 5 декабрда P0912-7-сон
--	---

	билан давлат рўйхатига олинган (RU307P0912T4) “ЎзИҚМК” АЖнинг Облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига асосан муомалага чиқарилган (корпоратив) облигациялар: - чиқарилишдаги облигацияларнинг кўриниши ва тури: эгасининг номи ёзилган, оддий, фоизли корпоратив облигациялар; - облигациялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз; - чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қиймати (сўм): 1 000 000 (Бир миллион) сўм; - чиқарилишдаги облигацияларнинг сони (дона): 200 000 (Икки юз минг) дона; - чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 200 000 000 000 (Икки юз миллиард) сўм. - Жойлаштирилган облигациялар сони: 200 000 (Икки юз минг) дона; - Жойлаштириш натижасида жалб этилган маблағ: 200 000 000 000 (Икки юз миллиард) сўм. 8. Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2026 йил 16 мартда P0912-8-сон билан давлат рўйхатига олинган (RU308P0912T2) “ЎзИҚМК” АЖнинг Облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига асосан муомалага чиқарилган (корпоратив) облигациялар: - чиқарилишдаги облигацияларнинг кўриниши ва тури: эгасининг номи ёзилган, оддий, фоизли корпоратив облигациялар; - облигациялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз; - чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қиймати (сўм): 1 000 000 (Бир миллион) сўм; - чиқарилишдаги облигацияларнинг сони (дона): 300 000 (уч юз минг) дона; - чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 300 000 000 000 (уч юз миллиард) сўм. - Жойлаштирилган облигациялар сони: 300 000 (уч юз минг) дона; - Жойлаштириш натижасида жалб этилган маблағ: 300 000 000 000 (уч юз миллиард) сўм.
11. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби:	
11.1. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна): <i>(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек облигацияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади)</i>	Ушбу чиқарилишдаги корпоратив облигациялар ёпиқ обуна усули билан жойлаштирилади. Облигацияларни жойлаштириш усули – Ушбу чиқарилишдаги облигациялар қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчиси орқали

	савдо қоидаларига асосан “Freedom Finance” МЧЖ ХК, CDS Consulting FZCO ва Тижорат банклари (Ўзбекистон саноат қурилиш банки” АТБ, “Хамкорбанк” АТБ, “Капиталбанк” АТБ, “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ, “Микрокредитбанк” АТБ, ва АТ “Халқ банки”)га га Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.
11.2. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг муддати: (Кўрсатилади: облигацияларни жойлаштирилишни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки облигацияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби. Агар облигацияларни жойлаштириш муддати облигацияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади)	Облигацияларни жойлаштириш муддати – облигацияларни жойлаштириш муддати облигациялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 90 кун муддат ичида жойлаштирилади. Облигацияларни жойлаштирилишни бошланиш санаси – ушбу чиқарилишдаги облигациялар давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг облигацияларни жойлаштириш тўғрисидаги ахборот эмитентнинг расмий веб сайтида (www.uzmrc.uz) ошкор этилган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар, облигацияларни жойлаштирилишнинг бошланиш санаси дам олиш кунига тўғри келса, бу ҳолда облигацияларни жойлаштирилишнинг бошланиш санаси ушбу кундан кейинги биринчи иш кунига кўчирилади. Облигацияларни жойлаштирилишни тугатиш санаси – ушбу чиқарилишдаги охириги облигация жойлаштирилган сана, бироқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 90 кундан ошмаслиги керак.
11.3. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилиши-нинг тартиби: (Кўрсатилади: облигациялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар. Агар эмитент томонидан облигацияларни жойлаштириш эмитентга облигацияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади: - тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;	Ушбу чиқарилишдаги облигациялар қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчиси орқали савдо қоидаларига асосан битим тузиш йўли билан жойлаштирилади. Облигацияларни жойлаштириш эмитент томонидан эмитентга облигацияларни жойлаштириш бўйича хизматлар, шу жумладан андеррайтинг хизматларини кўрсатувчи «Finance Invest Brok» масъулияти чекланган жамият («Finance Invest Brok» МЧЖ) томонидан амалга оширилади. Андеррайтер тўғрисида маълумот: «Finance Invest Brok» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 25А-уй, тел.: +998 (94) 003-00-46. finbrok@umail.uz ; www.finbrok.uz

- профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган; - ушбу шахснинг асосий вазифалари, агар эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган облигацияларни оҳиргиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби).	«Finance Invest Brok» МЧЖ қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2023 йил 15 майда берилган №081349-сонли лицензия асосида олиб боради. Жамият ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси ўртасида андеррайтинг хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг санаси ва рақами: 2026-йил «25» майдаги №<u>4737701</u> -сон. Тузилган шартномага мувофиқ андеррайтернинг асосий вазифалари: – облигациялар чиқарилиши жараёнини тайёрлаш ва жойлаштиришни ташкил этиш, битимнинг барча тарафларини мувофиқлаштириш; – облигациялар чиқариш ва жойлаштириш бўйича тадбирлар режа-жадвалини тайёрлаш ҳамда барча масъул томонларни белгилаш; – эмитентга жойлаштириш бўйича дастлабки ишларини амалга оширишда ёрдам кўрсатиш; – чиқариш, жойлаштириш ва муомалага чиқариш учун зарур бўлган ҳужжатларни, жумладан, эмиссия ҳужжатларини чиқариш тузилиши ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ тайёрлаш; – облигациялар “Тошкент” Республика фонд биржасида листингдан ўтказиш жараёнида кўмаклашиш; – облигациялар чиқарилиши бўйича маркетинг тадбирларини ташкил этиш, жумладан, инвесторлар учун тақдимот тайёрлаш; – эмитент номидан имкони борича кенг доирадаги потенциал инвесторлар билан музокаралар ўтказиш ва уларни ташкил этиш; – инвесторлар учун таҳлилий материал тайёрлаш; – облигацияларнинг дастлабки жойлаштирилиши бўйича савдоларни “Тошкент” РФБда ташкил этиш; – жойлаштирилаётган облигацияларини сотиб олиш бўйича потенциал инвесторлардан аризаларни қабул қилиш, аризаларнинг умумий реестрини юритиш ва облигацияларни жойлаштиришни ташкил
--	---

	этишни ўз ичига олган букраннернинг стандарт хизматлари; – облигацияларини муваффақиятли жойлаштиришга қаратилган бошқа зарур тадбирларни амалга ошириш.
11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:	<u>“Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” акциядорлик жамияти</u> Ташкилий-ҳуқуқий шакли: акциядорлик жамияти Жойлашган жойи/почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй Тел. +99871 267 3742, +99871 267 3592 Электрон почта манзили: info@uzcsd.uz Е-хат манзили: uzcsd@exat.uz Веб-сайт манзили: https://uzcsd.uz/ «Finance Invest Brok» масъулияти чекланган жамияти («Finance Invest Brok» МЧЖ), Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси кўчаси, 25А-уй, тел.: +998 (94) 003-00-46. finbrok@umail.uz; www.finbrok.uz «Finance Invest Brok» МЧЖ қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2023 йил 15 майда берилган №081349-сонли лицензия асосида олиб боради. Жамият ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси ўртасида андеррайтинг хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг санаси ва рақами: 2026-йил «25» майдаги №4737701 -сон.
11.5. Овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган жойлаштирилаётган облигацияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: (Овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган жойлаштири-лаётган облигацияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади: - бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби); - бу усулда жойлаштирилаётган облигацияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш	Ушбу чиқарилишдаги облигациялар овоз берувчи акцияларига айирбошлаш назарда тутилмаганлиги сабабли жойлаштирилаётган облигацияларни олишда имтиёзли ҳуқуқ кўзда тутилмаган.

эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби; - бу усулда жойлаштирилаётган облигацияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби; - облигацияларни овоз берувчи акцияларга айирбошлаш тартиби).	
11.6. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: (Облигациялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади. Агар ушбу чиқарилиш овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқарилиши бўлса, қўшимча равишда овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган облигацияларни харид қилишда имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга облигацияларни жойлаштириш баҳоси ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади)	Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштириш баҳоси – бир дона облигация учун облигацияларни жойлаштиришни бошлаш санасида ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қийматига тенг, облигацияларни жойлаштиришни бошлаш санасидан иккинчи кундан бошлаб ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қиймати ва ҳисобланган фоизли даромад (ҲФД) йиғиндисига тенг. ҲФД қуйидаги формула асосида аниқланади: $\text{ҲФД} = \text{Nom} * C(\%) * ((T^{+2} - T_i) / 365),$ бунда ҲФД – Ҳисобланган фоизли даромад, сўм; Nom – бир дона облигациянинг номинал қиймати: 1 000 000 (бир миллион) сўм. C(%) – фоизли даромад ставкаси: йиллик 16,5% (ўн олти бутун ўндан беш фоиз); T^{+2} – облигациялар жойлаштирилган (олдистотти битим) санасидан иккинчи иш куни; T_i – облигацияларнинг муомала даври бошланиш санаси. Эслатма: Бир дона облигациянинг жойлаштириш нархи бир тийингача, яъни вергулдан кейин иккинчи рақамгача аниқлаштирилади ва математик йўл билан яхлитланади. Агар яхлитланаётган рақамдан кейинги биринчи рақам 0 дан 4 гача бўлса, бутун тийиннинг қиймати ўзгармайди. Агар яхлитланаётган рақамдан кейинги биринчи рақам 5 дан 9 гача бўлса, бутун тийиннинг қиймати 1 га оширилади. Облигация жойлаштириш нархи 1 000 000 (бир миллион) сўмдан паст белгиланиши мумкин эмас. Бунда, жойлаштиришда даромадликнинг мумкин бўлган максимал фоизи йиллик 16.5% (ўн олти бутун ўндан беш фоиз) дан ошмайди.
11.7. Облигацияларни тўлаш шартлари ва тартиби: (Облигацияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари,	Облигациялар учун тўлов фақат нақдсиз ҳисоб-китоблар орқали Ўзбекистон Республикасининг пул бирлигида (сўмда) қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчиси қоидаларига мувофиқ пул маблағлари билан амалга оширилади.

<i>уларнинг жойлашган жойи, Облигациялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари қўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда). Облигациялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда облигациялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш-топишириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қўйидаги маълумотлар кўрсатилади:</i> <i>баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи; баҳоловчи ташкилотнинг профессионал жамоат бирлашмасига аъзолиги тўғрисидаги гувоҳнома рақами ва берилган санаси).</i>	Облигациялар бўйича пул бўлмаган воситалар билан тўловлар кўзда тутилмаган. Облигациялар учун пул бўлмаган воситалар ва мол-мулк шаклида тўлаш кўзда тутилмаган. Жамиятнинг номи: “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ Ҳисоб рақам: 2150 8000 9051 4195 1007 Банк коди: 00014 Банк номи: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар ХКМ.
11.8. Ушбу облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан облигациялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:	Ушбу чиқарилган облигациялар амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, эмитент амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ушбу факт тўғрисида расмий хабарнома эълон қилади. Эмитент амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда облигация эгаларига олинган облигацияларни номинал қийматида, ҳамда облигация бўйича номинал қийматига нисбатан ҳисобланган фоиз даромадларини мазкур чиқарилиш амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида қайтаради. – Облигациялар чиқарилишини амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ахборот тегишли қарор қабул қилинган пайдан эътиборан икки иш куни ичида қўйидаги манзилларда эълон қилинади: Корпоратив ахборотнинг Ягона порталида (www.new.openinfo.uz). – Жамиятнинг расмий веб-сайтида (www.uzmrc.uz). – “Тошкент” Республика фонд биржасининг расмий веб-сайтида (www.uzse.uz).
12. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича таъминот: <i>(Кўрсатилади: таъминот берган юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи; таъминот берган жисмоний</i>	Ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича таъминот кўзда тутилмаган.

шахснинг фамилияси, исми, шарифи ва яшаш манзили; таъминот тури; пул кўринишидаги таъминот миқдори)	
13. Облигациялар муомаласининг тартиби ва муддатлари:	Облигацияларнинг муомала даври бошланиш санаси – облигацияларни жойлаштиришни бошланиш санасидан иккинчи иш куни ҳисобланади. Облигацияларнинг муомала муддати - Облигациялар муомала даври бошланиш санасидан бошлаб 2555 (икки минг беш юз эллик беш) кун. Мазкур муддат фоизларни тўлашда ҳар бири 3 ойлик 28 та оралиқ даврларга бўлинган. 2555 (икки минг беш юз эллик бешинчи) кун облигациялар муомаласи тугаш санаси ҳисобланади. Облигациялар муомаласи уларнинг сотиб олиш ва сотиш, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган, облигацияларнинг эгаси алмашувига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар орқали амалга оширилади. Облигациялар биржа ва биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида муомалада бўлиши шунингдек савдо тизимларида қонунчилик доирасида битим объекти бўлиши мумкин. Облигациялар муомаласи олди-сотди битимларини тузиш, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган, қимматли қоғозлар эгасининг ўзгаришига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар билан амалга оширилади. Облигацияларга бўлган ҳуқуқлар олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда инвестиция воситачиси томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади. Олувчи ёки инвестиция воситачиларида акс эттирилган облигация эгаларининг реквизиитлари ҳаққонийлиги юзасидан (банк

	номи ва коди, ҳисоб-китоб рақамлари) эмитент жавобгар бўлмайди. Ташкил этилган бозорларда олди-сотди битимларини тузиш пайтида улар юзасидан ҳисоб-китоб қилиш муддатлари қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг қоидалари билан бошқа ҳолларда эса, олди-сотди шартномалари билан белгиланади.
14. Облигациялар бўйича сўндириш ва даромадларни тўлаш шартлари:	
14.1. Облигацияларни сўндириш шакли <i>(пул воситалари, мол-мулк, айрибошлаш ва ҳаказо):</i>	Облигациялар сўндирилиши фақат нақдсиз пул восита орқали Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида амалга оширилади.
14.2. Облигацияларни сўндириш муддатини ўз ичига олган сўндириш тартиби ва шартлари: <i>(Сўндириш муддати облигациялар чиқарилишининг жойлаштирилиши бошланган пайдан бошлаб белгиланади ва қуйидагича белгиланиши мумкин:</i> <i>календарь сана билан (ушбу календарь санани белгилаш тартиби билан);</i> <i>муайян давр билан (ушбу муайян даврни белгилаш тартиби билан).</i>	Облигацияларнинг муомала даври бошланиш санаси - облигацияларни жойлаштириш санасидан иккинчи иш куни ҳисобланади. Облигацияларни сўндириш бошланиш санаси – облигацияларнинг жойлаштирилиши бошланиш санасидан 2558 (икки минг беш юз эллик саккизинчи) кундан ҳисобланади. Агар облигацияларни ушбу чиқарилиши жойлаштирилиши бошланиш санасидан бошлаб 2558 календарь куни байрам ёки дам олиш кунига тўғри келса, облигацияларни сўндириш бошланиш санаси шу кунлардан кейинги биринчи савдо кунига қўчирилади. Мазкур корпоратив облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига тегишли облигацияларнинг эгалари ўзларига тегишли облигацияларга тўлиқ сўндириш санасигача эгалик қилиш ҳуқуқига эга. Облигацияларни сўндириш санасига Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигациялар эгалари реестри асосида тўловлар амалга оширилади, бунда пул маблағлар тўлов агенти орқали облигация эгаларига тўлаб борилади. Мазкур реестр Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсидан сўндириш кунидан 5 (беш) иш куни давомида олинади. Пул маблағларини қайтариш муддатлари Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигациялар эгалари реестри олинган кунидан бошлаб 3 (уч) иш куни давомида амалга оширилади.

	Тўловларни амалга ошириш мақсадида ажратилган кунлар учун фоизлар тўланмайди. Облигациялар эгалари реестрида акс эттирилган облигация эгаларининг реквизитлари ҳаққонийлиги юзасидан (хизмат кўрсатувчи банк номи ва коди, ҳисоб-китоб рақамлари ва бошқалар) эмитент жавобгар бўлмайди.
14.3. Облигацияларнинг ҳар бири бўйича тўланадиган даромадни белгилаш тартиби (даромад миқдори ёки уни белгилаш тартиби, шунингдек ҳар бир купон бўйича тўланадиган даромад миқдори ёки уни белгилаш тартиби):	Облигациялар бўйича фоизли даромад ставкаси: йиллик 16,5% (ўн олти бутун ўндан беш) фоиз. Ҳар бир облигация бўйича фоизли даромад муомала муддати давомида ҳар бири 3 ойлик 28 та оралиқ даврлар учун ҳисобланади ва тўланади. Бунда облигация бўйича фоизли даромадларни тўлаш оралиқ даврларнинг якунига ўрнатилган тартибда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигациялар эгалари реестрига асосан амалга оширилади. 1-чи оралиқ даврнинг бошланиши санаси облигацияларнинг муомала даври бошланиш санасига тўғри келади, шунингдек кейинги оралиқ даврларнинг бошланиш саналари муомала даври бошланиш санасидан тартиб бўйича 92, 183, 273, 365, 457, 548, 639, 731, 823, 914, 1004, 1096, 1188, 1279, 1369, 1461, 1553, 1644, 1734, 1826, 1918, 2009, 2100, 2192, 2284, 2375, 2465, -чи кунларга тўғри келади. Облигация эгаларига фоизли даромадлар облигациялар муомала даврининг 91, 182, 272, 364, 456, 547, 638, 730, 822, 913, 1003, 1095, 1187, 1278, 1368, 1460, 1552, 1643, 1733, 1825, 1917, 2008, 2099, 2191, 2283, 2374, 2464, 2555 -чи кунлари якунига шакллантирилган облигация эгалари реестри асосида тўлаб берилади. Агар реестр шакллантириш куни иш кунига тўғри келмаса, у холда охириги иш куни ҳисобга олинади. Облигацияларнинг ҳар бири бўйича даромад миқдорини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

	$ОФД = Nom * C(\%) * ((TZi - Ti) / 365),$ <i>бунда</i> <i>ОФД – бир дона облигациянинг фоизли даромади миқдори, сўм;</i> <i>Nom – бир дона облигациянинг номинал қиймати: 1 000 000 (бир миллион) сўм;</i> <i>C(%) – фоизли даромад ставкаси: йиллик 16,5% (ўн олти бутун ўндан беш фоиз);</i> <i>Ti – оралиқ давр биринчи куни;</i> <i>TZi – оралиқ давр охирги куни.</i>
14.4. Облигациялар бўйича даромадларни тўлаш тартиби ва муддати, ҳар бир купон бўйича даромадни тўлаш тартиби ва муддати ўз ичига олган ҳолда:	Облигациялар бўйича даромадлар ҳар бир оралиқ давр учун тўланадиган фоизли даромадлардан иборат. Облигация бўйича фоизли даромадларни тўлаш мақсадида қонунчиликда белгиланган тартибда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан ҳар бир оралиқ даврнинг охирги куни якунига кўра шакллантирилган облигациялар эгалари реестри олинади. Облигациялар бўйича ҳисобланган фоизли даромадлар Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан шакллантириладиган облигациялар эгалари реестрида қайд этилган маълумотлар асосида, тўлов агенти орқали тўланади. Облигациялар эгалари реестри ёпилган кундан фоизли даромадлар тўлови реестрда қайд этилган облигация эгаларига уларнинг хизмат кўрсатувчи банклардаги реквизитларга 3 (уч) иш куни мобайнида амалга оширилади. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича фоиз даромадларининг тўлов графиги эмитентнинг расмий веб сайтида (www.uzmrc.uz) облигацияларни жойлаштиришни бошлаш санасида ошкор этилади. Облигациялар бўйича тўланиши лозим бўлган фоизли даромадлар билан боғлиқ ахборот Корпоратив ахборотлар ягона порталида (openinfo.uz) ҳамда эмитентнинг расмий веб сайтида (www.uzmrc.uz) қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда ошкор этилади.

	Эмитент фоизли даромадларни тўлаш учун олинган реестрида облигация эгасининг банк реквизитлари тўлиқ ва/ёки ахборот аниқ бўлмаслиги (ҳисоб рақами, банк коди ва бошқалар) сабабли ҳисобланган фоиз даромадининг тўлови кечиктирилиши, шунингдек бундай кечиктиришнинг оқибатлари юзасидан жавобгар бўлмайди. Облигациялар бўйича тўланиши лозим бўлган фоизли даромадлар тўғрисидаги ахборот ўрнатилган тартибда Корпоратив ахборотлар ягона порталида (openinfo.uz) ҳамда эмитентнинг расмий веб сайтига (www.uzmrc.uz) жойлаштириш орқали ошкор этилади.
14.5. Облигацияларни муддатидан олдин сўндириш эҳтимоли ва шартлари, хусусан: муддатидан олдин сўндиришнинг баҳоси (қиймати), облигациялар муддатидан олдин сўндиришга ундан олдин тақдим этилиши мумкин бўлмаган муддат, шу билан бирга эмитент томонидан муддатидан олдин сўндириш тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш тартиби:	Мазкур облигацияларни муддатидан олдин сўндириш кўзда тутилмаган бўлиб, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно: - Эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганида облигация эгасининг талабига асосан; - Эмитентнинг облигациялари чиқарилиши амалга ошмаган ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра ҳақиқий эмас деб тан олинган тақдирда. Эмитент юқорида кўрсатилган ҳолатлар юз берганидан сўнг 2 (икки) иш куни ичида ушбу ҳақиқат тўғрисидаги расмий хабарни Корпоратив ахборотларнинг ягона порталида (openinfo.uz) ва эмитентнинг расмий веб-сайтида (www.uzmrc.uz) эълон қилиш орқали облигациялар эгаларига маълум қилади. Эмитент облигацияларни муддатидан олдин сўндиришида Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига облигацияларни ҳаракатсизлантириш ҳамда ҳаракатсизлантириш санасига облигациялар эгалари реестрини тузиш бўйича топшириқнома беради. Облигациялар эгалари хабарномани олган вақтдан бошлаб 3 (уч) календарь кун ичида эмитентга облигацияларни сотиб олиш тўғрисида барча зарур реквизитларни ва хизмат кўрсатувчи банклардаги депозит ҳисобварақларини кўрсатган ҳолда ёзма ариза юборишлари шарт.

	Бу ҳолатларда эмитент облигация эгаларига облигация номинал қийматини ҳамда облигациялар бўйича ҳисобланган фоиз даромадларини ариза олинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) кун ичида тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Қайта сотиб олиш тўғрисида ариза бермаган облигациялар эгалари ўзларига тегишли облигацияларни мазкур облигациялар чиқарилишининг мазкур Қарорида кўрсатилган муомала муддати тугаганидан кейин сўндириш ҳуқуқига эга. Облигацияларни муддатидан олдин сўндириш тўғрисидаги ахборот ўрнатилган тартибда Корпоратив ахборотлар ягона порталида (openinfo.uz) ҳамда эмитентнинг расмий веб сайтига (www.uzmrc.uz) жойлаштириш орқали ошкор этилади.
15. Эмитент томонидан облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:	“Облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор” давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин қимматли қоғозлар чиқарилишининг шартлари тўғрисидаги ахборот ўрнатилган тартибда Корпоратив ахборотлар ягона порталида (openinfo.uz) ҳамда “ЎЗИҚМК” АЖ нинг расмий веб сайти (www.uzmrc.uz) орқали ошкор этилади.
16. Облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағларни Миллий яшил таксономия ва/ёки бошқа эквивалент таксономиялар талабларига мувофиқ ишлатиш мақсади тўғрисида маълумот (яшил корпоратив облигациялар учун):	Ушбу чиқарилишда яшил корпоратив облигациялар чиқарилиши кўзда тутилмаган.
17. Миллий яшил таксономия ва/ёки бошқа эквивалент таксономиялар талаблари доирасида эришиладиган режалаштирилган натижалар (KPI) тўғрисида маълумот (яшил корпоратив облигациялар учун):	Ушбу чиқарилишда яшил корпоратив облигациялар чиқарилиши кўзда тутилмаган.

18. Яшил стандартларга мувофиқлик сертификатининг мавжудлиги, шунингдек, бундай сертификатни берган ташкилот тўғрисидаги маълумотлар (яшил корпоратив облигациялар учун):	Ушбу чиқарилишда яшил корпоратив облигациялар чиқарилиши кўзда тутилмаганлиги сабабли сертификат мавжуд эмас.
19. Мазкур чиқарилув учун асос бўлган серияли облигациялар дастури тўғрисидаги маълумотлар (облигация дастури доирасида илгари чиқарилган ва жойлаштирилган облигациялар сони, умумий ҳажми, рўйхатдан ўтган сана, рақами ва ҳоказо):	Ушбу чиқарилиш Облигация дастури доирасидаги биринчи чиқарилиш ҳисобланади. Ушбу чиқарилиш учун асос бўлган серияли облигациялар дастури тўғрисидаги маълумотлар: Умумий чиқариш ҳажми: 2 000 000 000 000 (икки триллион) сўм Облигацияларнинг умумий сони: 2 000 000 (икки миллион) дона Номинал қиймати: 1 000 000 (бир миллион) сўм Рўйхатдан ўтган сана: 08.05.2026й Регистрация рақами: P0912-2-сон

“Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси”
акциядорлик жамияти

Тикилган, рақамланган ва муҳрланган

19 (Ўн тўққиз) варак

Бош ижрочи директор _____ М.Ж. Фарманов

Бош бухгалтер _____ Б.Б. Шойбедронов

